

Экологик Тарбиятнинг Педагогик Тизимдаги Ўрни: Тарихи, Ривожланиши Ва Муаммолар Таҳлили

Сайёра Имамова

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати,
мустақил изланувчи

Аннотация: Ушбу мақолада экологик тарбиянинг педагогик тизимдаги ўрни, унинг тарихи ва ривожланиш босқичлари таҳлил қилинади. Муаллиф экологик таълим-тарбиянинг илк босқичларидан бошлаб, унинг замонавий кўринишларигача бўлган жараёни ёритади. Шунингдек, бу соҳада юзага келаётган муаммолар, уларнинг сабаблари ва ҳал этиш йўллари ҳақида илмий таҳлиллар келтирилган. Мақолада экологик онг, экологик маданият ва таълим тизими ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ёритилган.

Калим сўзлар: экологик тарбия, педагогик тизим, таълим, экологик маданият, муаммолар, ривожланиш тарихи.

Инсониятнинг табиат билан муносабати кун сайин долзарб масалага айланиб бормоқда. Саноат ва технология равнақи тезлашган ҳозирги даврда атроф-муҳитнинг ифлосланиши, табиий ресурсларнинг камайиши каби экологик муаммолар глобал муаммолар сифатида кун тартибига чиқмоқда. Бу муаммоларни ҳал этиш учун фақат техник ёки иқтисодий чоралар кифоя эмас – аввало, жамиятнинг барча қатламларида экологик онг ва маданиятни шакллантириш зарур. Шу жиҳатдан экологик тарбия ва таълим масаласи биринчи даражали аҳамият касб этиб, барқарор ривожланишнинг асосий омилларидан бирига айланган.

Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1992-йил Рио-де-Жанейродаги анжуманида экологик тарбия бутун дунё аҳолиси ўртасида экологик маданиятни ривожлантириш ва экологик хавфсизликни таъминлашга хизмат қилишини таъкидланган. Экологик тарбия деганда, инсоннинг табиатга нисбатан онгли ва маънавий муносабатини шакллантиришга қаратилган тарбиявий жараён тушунилади. Расмий таърифга кўра, экологик тарбия – экологик маданиятнинг ажралмас қисми бўлиб, шахснинг ҳиссиётлари, онги, дунёқараши ва тасаввурларига таъсир этиш орқали унда табиатга нисбатан онгли ва маънавий муносабат савиясини тизимли ва мақсадли равишда ошириб бориш жараёнидир. Бошқача айтганда, экологик тарбия болаларда ва ёшларда табиатга эҳтиром, муҳаббат ва уни асраш ҳиссини тарбиялашни назарда тутди. Экологик тарбия ва таълимнинг илмий-амалий аҳамияти жуда катта. Аввало, у табиат ва жамият ўртасидаги мувозанатни таъминлашга хизмат қилиб, атроф-муҳит барқарорлигини сақлашга ёрдам беради. Экологик таълим ёш авлодга табиат ва инсон ўртасидаги муносабатлар ҳақида билим бериш орқали уларни табиатдан онгли фойдаланишга ўргатади ва қалбида она табиатга муҳаббат туйғуларини уйғотади. Бундан ташқари, экологик тарбия ёшларда табиат бойликларидан тежамкорлик билан фойдаланиш, уларни келажак авлод манфаати учун асраш каби масъулиятли кадриятларни шакллантиради. Зеро, атроф-муҳит муҳофазасига оид ҳар қандай саъй-ҳаракатлар самараси, аввало, мазкур тарбиянинг қай даражада амалга оширилганига боғлиқ бўлади. Халқаро миқёсда экологик таълим-тарбиянинг аҳамияти 1970-йиллардан эътироф этилган. Масалан, 1975-йилда ЮНЕСКОнинг Белград конференциясида экологик таълимнинг мақсади қуйидагича ифодаланган эди: “Жаҳондаги ҳар бир киши атроф-муҳит ва унинг муаммолари тўғрисида

хабардор ҳамда уларга нисбатан ташвишли бўлиши, етарли билим, муносабат, кўникма ва мотивацияга эга бўлиб, мавжуд муаммолар ечими ва янги муаммоларнинг олдини олиш йўлида яқка тартибда ёки жамоавий амалий ҳаракат қилишга тайёр бўлиши керак” дея эътироф этилган. Бу таъриф экологик тарбиянинг асосий мақсад ва вазифаларини умумжаҳон даражасида белгилаб берган. Фикримизча, экологик тарбия – инсониятнинг ўз ҳаётий муҳитига бўлган муносабатини тубдан яхшилаш, экологик муаммоларни бартараф этиш ва барқарор келажакни таъминлаш учун энг муҳим воситадир.

Экологик тарбия ва таълим бугунги кунда умумий таълим-тарбиянинг ажралмас таркибий қисми сифатида қаралмоқда. У таълимнинг барча босқичларида ва барча фанларни ўқитиш жараёнига интеграциялаштирилган ҳолда амалга оширилиши лозимлиги таъкидланган. Яъни, мактабгача таълимдан бошлаб олий таълимгача бўлган узлуксиз таълим тизимида экологик билим ва кўникмаларни бериш кўзда тутилади. Экологик таълим-тарбиянинг бош мақсади – ёш авлод онгида атроф-муҳитга ва унинг муаммоларига нисбатан онгли муносабатни шакллантиришдан иборатдир. Бу жараёнда ўқувчилар табиат бойликларини асраш, улардан оқилона фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиб боради ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга доир масъулиятни ҳис этади. Педагогик тизимда экологик тарбиянинг шаклланиш босқичлари узлуксизлик тамойили асосида намоён бўлади. Биринчи навбатда, оилада экологик тарбия бошланади – болага кичик ёшданок табиатга эҳтиромли муносабат қилиш ўргатилади. Кейинчалик, мактабгача таълим муассасаларида болаларда содда экологик тушунчалар шакллантирилади. Бошланғич таълимда (1–4-синфларда) табиатшунослик ва она табиат ҳақидаги дастлабки билимлар берилиб, ўқувчиларда атроф-муҳитга меҳр-муҳаббат уйғотилади. Ўрта ва юқори синфларда биология, география, кимё, физика каби фанларни ўқитиш жараёнида экологик мавзулар қамраб олиниб, экологик тушунчалар фанлараро умумлаштирилган ҳолда ўргатилади. Шунингдек, факультатив машғулотлар, тўгараклар, экскурсиялар орқали ўқувчиларнинг экологик дунёқараши кенгайтирилади. Олий ўқув юртларида махсус “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш” каби фанлар ҳамда йўналишлар орқали профессионал экологик таълим бериш йўлга қўйилган.

Экологик тарбиянинг педагогик тизимдаги ўрнини мустаҳкамлаш учун мамлакатимизда қонунчилик ва дастурий чоралар ҳам қабул қилинган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунининг 4-моддасида барча турдаги таълим муассасаларида экология ўқитилишини мажбурий тартибда жорий этиш белгилаб қўйилгани экологик таълим тизимининг ҳуқуқий асосини яратди¹. 2019-йилда эса Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори билан “Ўзбекистон Республикасида экологик таълимни ривожлантириш концепцияси” тасдиқланиб, узлуксиз экологик таълим тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари белгилаб берилди. Унга мувофиқ, мактабгача таълимдан тортиб кадрлар малакасини оширишгача бўлган барча босқичларда экологик таълим-тарбияни самарали йўлга қўйиш вазифаси қўйилди. Бундан ташқари, ўқув дастурларига экология ва барқарор ривожланиш масалаларини интеграция қилиш, янги экологик фан ва курсларни жорий этиш орқали таълим мазмуни замон талабларига мослаштирилди. Шунинг таъкидлаш керакки, экологик тарбия фақат формал таълим билан чекланмайди. Уни амалга оширишда ноформал таълим ва жамоат тарбияси ҳам муҳим ўрин тутди. Масалан, маҳаллаларда, оила ва кўни-қўшни ўртасида экологияга оид тарғибот ишлари, оммавий ахборот воситалари орқали экологик маданиятни оширишга қаратилган кўрсатув ва чиқишлар бу тарбиявий ишнинг давоми ҳисобланади. Миллий анъаналар ва байрамлар орқали ҳам ёшларни табиатга эҳтиром руҳида тарбиялаш мумкин – масалан, Наврўз байрамида дарахт экиш, атрофни кўкаламзорлаштириш каби тадбирлар экологик тарбияга хизмат қилади.

Фикримизча, экологик тарбия узлуксиз ва ҳаммаёқлам аҳамиятга эга бўлиб, унинг самарадорлиги таълим муассасаларидаги таълимий тарбиявий ишлар билан бир қаторда,

¹ <https://www.lex.uz/acts/107115>

оила ва жамиятдаги тарбия муҳитига ҳам боғлиқдир. Инсоният тарихида атроф-муҳитга муносабат ва уни асраш ғоялари анча илгаридан мавжуд бўлса-да, экологик таълим мустақил тушунча сифатида шаклланиши 20-асрга тўғри келади. Илк маротаба табиатни ўрганишни таълимнинг ажралмас қисми сифатида кўриш ғояси маърифатпарвар Жан-Жак Руссо томонидан 18-асрда илгари сурилган (унинг “Эмил ёки тарбия ҳақида” асарида). 19-аср охири – 20-аср бошларида Европада ва Америкада “табиатшунослик (nature study) ҳаракати” авж олди – мактабларда болаларни китобдан кўра бевосита табиат орқали ўргатиш, қишлоқ хўжалиги ва табиат қўйнидаги тажрибалар орқали уларда табиатга меҳр уйғотиш методлари қўлланилди. Бу даврда иқлим ва тупроқ билан боғлиқ муаммолар (масалан, АҚШда 1930-йилларда “Даст-болт” қурғокчилик офатлари) натижасида консервация таълими (табiiй ресурсларни асрашга ўргатиш) га эҳтиёж орта бошлади. Шу тариқа, табиатни муҳофаза қилиш ғоялари таълим дастурларига кириб келди. “Экология” атамаси фан сифатида 1866-йили немис биологи Эрнст Геккель томонидан илмий муомалага киритилган бўлиб, у организмлар ва уларнинг атроф-муҳит билан ўзаро муносабатларини ўрганувчи фан сифатида таърифланган. Аммо кенг маънода экологик таълим-тарбиянинг аҳамияти инсоният саноатлашувининг оқибатлари сезила бошлаган 20-аср ўрталарида ортиб борди. 1960-йилларда Рейчел Карсоннинг “Сукут сақлаган баҳор” (1962) китобидан сўнг атроф-муҳит ифлосланиши хавфи кенг жамоатчилик эътиборига тушди ва экологик ҳаракат кучайди. 1970-йил 22-апрелда илк бор нишонланган Ер куни (Earth Day) миллионлаб одамларнинг экологик муаммоларга нисбатан ижтимоий фаоллигини оширди. Шу даврга келиб, таълим тизимида фақат “табиат ҳақида таълим” ёки “табиат қўйнида таълим”дан “табиат учун таълим” концепциясига ўтиш зарурияти тасдиқланди. Яъни, таълим фақат маълумот бериш эмас, балки атроф-муҳитни муҳофаза қилишга фаол позицияни тарбиялаш воситасига айланиши лозим эди².

Халқаро даражада экологик таълимни ривожлантириш борасида муҳим тарихий воқеалар қўйидагичадир: 1972-йил – Стокгольмда бўлиб ўтган БМТнинг Инсон атроф-муҳити бўйича конференцияси дунё миқёсида экологик таълим дастурларини йўлга қўйиш таклифи билан якунланди. Бу тарихда биринчи бор экологик масалаларни халқаро миқёсда муҳокама қилган анжуман эди. 1975-йил – Белградда ЮНЕСКО ва БМТ атроф-муҳит дастури (UNEP) ҳамкорлигида экологик таълим бўйича халқаро семинар ўтказилиб, Белград Хартияси қабул қилинди. Унда экологик таълимнинг глобал мақсад ва тамойиллари белгилаб берилди, жумладан юқорида қайд этилган аҳоли онги ва билимларини шакллантиришга доир мақсад баён қилинди. Белград Хартияси экологик таълимнинг асосий йўналишларини касб этиб, кейинчалик барча мамлакатлар учун дастуриламал бўлди. 1977-йил – Тбилиси шаҳрида ЮНЕСКО ва UNEP ташаббуси билан экологик таълим бўйича биринчи ҳукуматлараро конференция ўтказилиб, Тбилиси декларацияси қабул қилинди. Унда экологик таълимнинг 5 та асосий вазифаси – хабардорлик, билим, муносабат, кўникма ва иштирок этиш қобилиятини шакллантириш белгиланди. Шунингдек, ҳар бир даражада экологик таълимни амалга ошириш принциплари баён этилди. Тбилиси декларацияси экологик таълимни тараккий эттириш учун халқаро ҳамкорликка чақирув бўлиб хизмат қилди. 1980–1990-йиллар – Кўплаб давлатларда таълим дастурларига атроф-муҳит масалаларини интеграция қилиш бошланди. 1987-йилда Нашанал куррикулум доирасида (масалан, Англияда) атроф-муҳит таълими ўқув режаларининг қисми этиб белгиланди. 1992-йил Рио-де-Жанейродаги Ер саммити (БМТнинг Барқарор ривожланиш бўйича конференцияси)нинг 21-кун тартибида (Agenda 21) барқарор ривожланиш учун таълимга алоҳида эътибор қаратилди. Шу тариқа, экологик таълим концепцияси кенгайиб, барқарор ривожланиш учун таълим (BRUT) тушунчасига асос солинди. 2005–2014-йиллар – БМТ томонидан Барқарор ривожланиш учун таълимнинг ўн йили деб эълон қилиниб, ЮНЕСКО бу глобал ташаббусга раҳбарлик қилди. Бу даврда жаҳонда барқарор ривожланишга эришиш учун таълимни қайта йўналтириш ҳаракатлари амалга оширилди. Экологик таълимнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий

² Мамедов Н.М., Суравегина И.Т., Глазачев С.Н. Основы общей экологии. Федеральный учебник для старших классов общеобразовательной школы. М., 1998. С.133.

барқарорлик масалалари билан узвий боғлиқликда кўрилиши таъминланди. 2015-йил ва кейин – БМТ Барқарор ривожланиш мақсадларида (БРМ-2030) таълим сифати ва барқарорлик масалаларида экологик тарбиянинг ўрни яна бир бор тасдиқланди. 2021-йил Берлинда ЮНЕСКОнинг Барқарор ривожланиш учун таълим бўйича жаҳон конференцияси ўтказилиб, 2030-йилгача бўлган янги дастур ва мажбуриятлар қабул қилинди. Ҳозирги кунда дунёнинг кўпчилиги мамлакатларида экологик таълим миллий ўқув дастурларининг ажралмас қисмига айланган.

Ўзбекистонда экологик тарбия ва таълимнинг шаклланиши бир неча босқичда кечган бўлиб, уни шартли равишда анъанавий давр, совет даври ва мустақиллик даврига бўлиш мумкин. Анъанавий даврда, яъни тарихий-маданий анъаналаримизда, табиатга эҳтиром ва уни асраш ғоялари миллий кадриятлар таркибида бўлган. Халқимиз азалдан ободончилик, боғдорчилик, саломатликни сақлаш каби фаолиятлар орқали табиатни асрашга ўз ҳиссасини қўшиб келган. Масалан, баҳор байрами – Наврўз айёмида кўчат экиш, дарахтларни парваришлаш, эл-юртни тозалаш каби ишлар бажарилиши авлодлар ҳамшиша табиатга ғамхўрлик руҳида улғайганидан далолат беради. Миллий фольклор ва нақлларда ҳам табиатни онага қиёслаш, уни авайлаш мотивлари учрайди. Шу боис, халқимиз орасида табиатга ҳурмат тарихнинг ўзидагидек қадимийдир деб кўрсатилади. Совет даврида (1918–1991) Ўзбекистонда умумтаълим фанлари орқали табиатшунослик ва география каби йўналишларда асосий экологик тушунчалар ўқитилган. Айниқса, 1960–70-йилларда СССР миқёсида атроф-муҳит муҳофазасига эътибор орта бошлади³. 1980-йиллар охирида Ўзбекистоннинг ўзида табиий муаммолар, хусусан Орол денгизи инқирози жуда кескинлашди. 1988-йилда республика ҳукуматининг махсус қарори билан Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ташкил этилгани бу масаланинг давлат сиёсати даражасига кўтарилганини кўрсатади. Шу даврда мактаб ва олий таълим муассасаларида атроф-муҳит муҳофазаси мавзуларига оид қўшимча курслар, тўгараклар фаолияти йўлга қўйила бошлади. Бироқ экологик тарбия алоҳида ва тизимли равишда эмас, асосан биология, география дарслари доирасида ёки табиатга экскурсиялар шаклида амалга оширилди. Мустақиллик даври (1991-йилдан буён) экологик таълим-тарбияни тараққий эттириш учун янги ҳуқуқий ва ташкилий асослар яратилди. 1992-йилда қабул қилинган “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунда барча таълим турларида экологик билим бериш мажбурияти белгилаб қўйилди. 1997-йилда қабул қилинган “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да умумий ўрта ва олий таълим тизимини ислоҳ қилишда экологик маданиятни шакллантириш масалалари ҳам кўзда тутилиб, замонавий дарслик ва ўқув қўлланмаларда экологик мавзуларга ўрин берилди. 2001-йилда умумтаълим мактаблари учун “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш асослари” фанини ўқитиш амалиёти жорий этилди. 2005-йил экологик таълим соҳасида янги босқични бошлаб берди – Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Халқ таълими вазирлиги ва Олий таълим вазирлиги ҳамкорлигида “Экологик таълимни ривожлантириш ва экологик кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш концепцияси” ҳамда дастури қабул қилинди. Ушбу ҳужжат доирасида педагог кадрларни қайта тайёрлаш, экологик тарбия бўйича методик қўлланмалар нашри, мактаб ва коллежлар учун экология бўйича қўшимча материаллар тайёрлаш каби ишлар амалга оширилди. 2008-йил мамлакатимизда аҳоли ўртасида экологик маданиятни ошириш ва экологик ҳаракатни жонлантириш мақсадида тубдан янги ташаббус – Ўзбекистон экологик ҳаракати тузилди. 2008-йил 2-августда ташкил топган бу ҳаракат жамоатчилиги экологик муаммолар ечимига сафарбар этишга қаратилди. Экоҳаракат ўз олдига аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш, узлуксиз экологик таълим ва тарбия тизимини ривожлантириш каби вазифаларни қўйган эди.

Шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Экоҳаракатга 15 та депутатлик ўрни берилгани экологик масалалар давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланганидан далолат беради. Кейинчалик, 2018-йилда мазкур ҳаракат негизида Ўзбекистон

³ Миркин Б.М., Наумова Л.Г. Экология России. Учебник для 9-11-х классов общеобразовательной школы. М., 1995. С.43.

Экологик партияси ташкил этилди – бу ҳам экологик тарбия ва маданиятни юксалтириш борасида ишларни давом эттиришга қаратилган қадамлардан бўлди. 2019-йил Ўзбекистонда экологик таълим-тарбияни янги босқичга олиб чиққан йил бўлди. Йил бошида, 27-май куни Вазирлар Маҳкамаси қарори билан “Экологик таълимни ривожлантириш концепцияси” тасдиқланди⁴. Унга мувофиқ, барча таълим босқичларида узлуксиз экологик таълимни амалга ошириш, кадрлар малакасини ошириш тизимида экология йўналишларини кучайтириш, жамоатчиликка экологик билимларни тарқатиш каби кенг кўламли вазифалар белгиланди. Шундай чоралардан бири сифатида мактаб ва ОТМларда янги интеграцион курс – “Экологик маданият ва барқарор тараққиёт асослари” фанини жорий этиш тавсия этилди ва uning инновацион ўқув дастури яратилди. Олий таълимдаги мавжуд “Экология ва табиатни муҳофаза қилиш” курси мазмуни ҳам замонавий талабларга мос равишда такомиллаштирилди. Шунингдек, Президентимизнинг 2019-йил 30-октябрдаги фармони билан 2030-йилгача атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепцияси тасдиқланиб, унда таълимнинг барча даражаларининг ўқув режаларига экология ва барқарорлик мавзуларини тўлиқ киритиш вазифаси қўйилди. Бу эса узлуксиз экологик таълим тизимини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Охириги йилларда Ўзбекистонда экологик тарбия соҳасида амалий ташаббуслар ҳам кенгаймоқда. Масалан, 2021-йилдан бошлаб амалга оширилаётган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида бутун республика бўйлаб кўчат экиш ва кўкаламзорлаштириш ойликлари ўтказилмоқда. Мазкур тадбирларга ўқувчи ва талабалар фаол жалб этилиб, уларнинг бевосита иштирокида ўз ҳудудларини ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, олий таълим муассасалари талабалари профессор-ўқитувчилар билан биргаликда университет ҳудудларида ҳам дарахт ва гул кўчатлари экиш акцияларида иштирок этмоқда – бу каби амалий фаолият ёшлар онгида она табиатга меҳр ва эътиборни оширишга хизмат қилмоқда. Шу тариқа, назарий таълим билан амалиёт уйғунлаштирилиб, экологик тарбия самарадорлиги оширилмоқда. Ҳозирги кунда ҳам экологик тарбия соҳасида бир қатор муаммолар мавжуд бўлиб, уларни ҳал этиш юзасидан турли чоралар таклиф этилмоқда⁵. Қуйида асосий муаммолар ва имконий ечимлар муҳокама қилинади:

Биринчидан, аҳолининг экологик онги ва маданияти етарли даражада эмас. Жамиятда табиатга нисбатан онгли муносабат тўлиқ шаклланмагани кўп экологик муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Айрим фуқароларда атроф-муҳитга бепарволик, исрофгарчилик ёки қонуний талабларга риоя қилмаслик ҳолатлари учрайди. Бунда асосий ечим сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин. Бу муаммонинг ечими сифатида узлуксиз экологик таълим-тарбияни тизимли йўлга қўйиш зарур. Президентимиз таъбири билан айтганда, ёш авлод қалбида она табиатга муҳаббат ва дахлдорлик ҳиссини ўз вақтида тарбияламасдан туриб, атроф-муҳит муҳофазаси соҳасига сарфланаётган катта маблағлар ҳам кутилган самарани бермаслиги мумкин. Демак, биринчи навбатда мактабгача таълимдан бошлаб олий ўқув юртларигача бўлган барча босқичларда экологик тарбия сифати ва қамровини ошириш лозим. Оилада ва маҳаллаларда ҳам экологик маданият тарғиботини кучайтириш, ҳар бир инсоннинг экологик масъулиятини уйғотиш керак.

Иккинчидан, экологик таълимнинг ўқув жараёнларида интеграцияси ва методикаси етарлича ривожланмаган. Кўп мактабларда экологик мавзулар фақат биология ёки география дарсларида қисман ёритилиши мумкин, аммо барча фанлар кесимида интеграция қилинган янада самарали ёндашув зарур. Ўқув қўлланмаларда экологик мавзуга доир материаллар ҳали ҳам кам ўрин тутаяди. Давлат сиёсати даражасида бу муаммо ечими устида иш олиб борилмоқда – 2019-йилги қарорларда таълимнинг барча босқичлари ўқув дастурларига экология ва барқарор ривожланиш мавзуларини киритиш белгиланди. Янги интеграцион курслар ва фанларни жорий этиш орқали ўқув режалари такомиллаштирилмоқда (масалан, “Экологик маданият ва барқарор тараққиёт асослари” курси). Шу билан бирга, мавжуд дарслик ва дастурларни қайта кўриб чиқиб, уларга замонавий экологик муаммоларга доир маълумотларни киритиш ишлари давом этмоқда. Ҳар бир фанни ўқитишда экологияга доир

⁴ <https://lex.uz/ru/docs/4354743>

⁵ Ефремов К. Теория и практика экологизации образования / Народное образование. 2005. - №8. - С. 110-120.

мавзу ва мисолларни келтириш методикасини ишлаб чиқиш, ўқитувчилар учун методик қўлланмалар тайёрлаш зарур.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, яратган табиатимиз – бизнинг умумий уйимиз. Унинг бугуни ва эртаси, авлодлар келажаги атроф-муҳитга муносабатимиз қандай шаклланаётганига бевосита боғлиқ. Мазкур мақолада олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, экологик тарбия нафақат таълим тизимининг бир бўлаги, балки кенг маънода жамият тараққиётининг ажралмас шартидир. Экологик таълим ва тарбия инсонларда табиатга нисбатан онгли муносабатни шакллантириш орқали экологик муаммоларнинг олдини олиш ва ечимини топишда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Экологик тарбия тизимини такомиллаштириш – бу давомли жараён. Табиат муҳофазаси ва барқарор тараққиётга эришиш йўлида “инсон – табиатнинг эгаси эмас, балки унинг таркибий қисми” деган янги экологик тафаккурни жамият онгига сингдириш зарурдир. Бунда таълим муассасалари, оила, жамоатчилик ва давлат биргаликда ҳаракат қилсагина, биз келгуси авлодларга соғлом ва барқарор муҳит қолдириш мақсадига эриша оламиз. Экологик таълим-тарбияга киритилган ҳар бир ресурс – ўқитувчи меҳнати, вақт ва маблағ – инсониятнинг умумий уйи бўлмиш Ер шарини асрашга қўшилган муносиб ҳисса бўлиб қолади.

Иқтибослар/Сноски/References

1. <https://www.lex.uz/acts/107115>
2. Мамедов Н.М., Суравегина И.Т., Глазачев С.Н. Основы общей экологии. Федеральный учебник для старших классов общеобразовательной школы. М., 1998. С.133.
3. Миркин Б.М., Наумова Л.Г. Экология России. Учебник для 9-11-х классов общеобразовательной школы. М., 1995. С.43.
4. Ефремов К. Теория и практика экологизации образования / Народное образование. 2005. - №8. - С. 110-120.
5. Расширение функций картографических изображений для передачи геопространственной информации на мобильных устройствах. / Е.С. Утробина, Л.К. Радченко, И.П. Кокорина, Т.С. Молокина // ИнтерКарто. ИнтерГИС. Геоинформационное обеспечение устойчивого развития территорий: Материалы Междунар. конф. – М: Издательство Московского университета, 2020. – Т. 26. Ч. 1. – С. 489–502.
6. Рочняк Е.В. Экологическое и гуманитарное образование как составляющие образования для устойчивого развития в цивилизационной парадигме XXI в // Вестник Международной академии наук (Русская секция). 2022. № S1-1. С. 82-86.